# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 25 июль, № 144 (5818) Пайшанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Абдусагатова Иноят** — Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Иноятова Назира Саидазизовна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Кенжаева Шакар Махаматовна** — Иштихон туманидаги «Қўнғирот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Холбаева Мархамат Ниматовна** — Олмалиқ шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Юлдашева Тожибар Ўктамовна** — Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдувахидова Хатира Сотволдиевна** — Норин туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Бердибаева Замира Жумамуратовна** — Нукус туманидаги «Саманбай» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жанкуватова Раъно Нармуратовна** — Ғузор туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Садикова Матлуба Камиловна** — Қўқон шаҳридаги «Қаймоқли гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Саидмуротова Ўғулой** — Сариосиё туманидаги «Буйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Аслонова Гулчеҳрахон Исматовна** — Хатирчи туманидаги «Жалоир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти

**Жўраева Бахмал Искановна** — Бахмал туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Рахматова Адалат** — Сирдарё туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Рустамова Гуландом** — Ҳазорасп туманидаги «Бешта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Ҳайдарова Назира Муҳидовна** — Пешку туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Давлатов Балтабой** — Гурлан туманидаги «Сахтиён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Ибрайимова Гулчехрахон** — Жалолқудуқ туманидаги «Ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Казакова Азиза Тургуновна** — Қўштепа туманидаги «Ғиштмон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

(Давоми 2-бетда).

**Модернизация:**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ





**ИСЛОҲОТ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қайд этилганидек, жорий йилнинг олти ойида республикамизда қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши*

**16,1**

***фоизни ташкил қилди.***

*Бу 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари ижроси юзасидан изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир, албатта.*

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабни тобора оширмоқда. Ана шу эҳтиёжни қондиришда эса "Ўзқурилишматериаллари" компанияси тизимидаги корхоналарнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани муҳим омил бўлаётир.

Маълумки, қурилиш соҳасида энг кўп ишлатиладиган маҳсулот, бу — цемент. Шу боис компания жамоаси томонидан уни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятида юз бераётган янгиланишлар ана шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир.

Айтиш жоизки, замонавий технологиялар билан жиҳозланган "Оҳангаронцемент" республикамиздаги турдош корхоналарнинг энг йирикларидан бири саналади. Ҳозирги кунда юртимизнинг ички бозорига етказиб берилаётган цементнинг 21,2 фоизи мазкур жамият ҳиссасига тўғри келаётгани шундан далолат беради.

Бу ерда беш турдаги цемент маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Буюртмачиларни маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш учун эса ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтириш мақсадида мавжуд цехлар босқичма-босқич модернизация қилиниб, замонавий техникалар билан бойитилаяпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида Инвестиция дастури доирасида хом ашё ва цемент тегирмонлари, шунингдек, бир нечта техника ҳамда ускуналар янгиланиб, бунинг учун 2,5 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди.

(Давоми 2-бетда).

# Сарҳисоб ва режалар

*Аввал маълум қилинганидек, жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида жорий йил биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари ижроси кенг муҳокама этилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

### САМАРҚАНД

Вилоят фаолларининг йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими З. Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,6 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида 6,6, қурилиш-пудрат ишларида 10,1, чакана савдо айланмасида 16,2 ва пуллик хизматлар кўрсатишда 14,7 фоиз ўсишга эришилди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бундай субъектлар улуши 70,9 фоизни ташкил этгани, айниқса, қувонарлидир. Бундан ташқари, тасдиқланган дастурлар доирасида қишлоқ жойларда 72 та чакана савдо, 28 та умумий овқатланиш, 102 та маиший хизмат объекти ишга туширилди. 28 массивда намунавий лойиҳалар асосида 1050 та уй-жой қурилиши бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда.

Вилоятда Бандлик дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жами 48 минг 680 та иш ўрни яратилди, буларнинг 38,9 мингдан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келгани эътиборга моликдир.

Йиғилишда, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишига етарли эътибор қаратилмаслиги оқибатида бешта йирик корхонада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан пасайгани айтиб ўтилди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.**

### СУРХОНДАРЁ

Йиғилишни вилоят ҳокими Н. Чориев олиб борди.

Унда эътироф этилганидек, вилоятда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 11 фоизни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,7 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 8,8, пудрат ишлари 17,9, пуллик хизматлар 16 фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда).

# Ёш тадбиркорлар учун машғулотлар

*"Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида жойларда хайрия акциялари, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда.*

## ТАДБИР

Хусусан, Қарши шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" кўмагида ўз ишини йўлга қўйган тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Вилоят "Ёшлар маркази"да уюштирилган семинар-тренингда эса юқори малакали мутахассислар оилавий корхона очиш истагида бўлган фуқаролар учун махсус машғулотлар ташкил этишди.

(Давоми 2-бетда).

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.*

# Фаолият таҳлилига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган ишлар самарали ташкил қилинаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, шубҳасиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Каримова Райхон Ҳақбердиевна** — Муборак туманидаги «Қурувчилар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Каримова Шахриниса Акрамовна** — Ғаллаорол туманидаги «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маматова Уразгул Эрматкуловна** — Боёвут туманидаги «Қарапчи» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Муминова Якутхон Шукрилаевна** — Зангиота туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Оманова Рахимахон** — Уйчи туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Отепбергенова Оразгуль Тилепбаевна** — Кегейли туманидаги «Жузим бағ» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Палванова Мархабо Умирзоковна** — Навоий шаҳридаги «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Навоий вилояти

**Сафарова Лутфия Шаниязовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси

**Сирожева Гулшад Исакуловна** — Жомбой туманидаги «Эски Жомбой» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Самарқанд вилояти

**Стенушкина Антонина Николаевна** — Миробод туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Эсанова Рўзибиби Рахмоновна** — Вобкент туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуганиева Рахима** — Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Аллабергенова Урингул Тухтабаевна** — Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Байниязова Зибира Муратбаевна** — Нукус шаҳридаги «Тунғиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бекниязова Бустон Баратовна** — Қарши туманидаги «Равот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Бойматова Тошбиби Тоғоевна** — Денов туманидаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Гаппаров Уролбой Каримович** — Булунғур туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Жуманова Арафат Хатамовна** — Учқудуқ туманидаги «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Иззатуллаева Мавжуда Рахматовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси, Самарқанд вилояти

**Исматова Адибахон Косимовна** — Избоскан туманидаги Т. Мамажонов номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Ишмухамедова Муаттар Юлдашевна** — Учтепа туманидаги Алихонтўра-Соғуний номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Каюмов Камил Адилович** — Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Комилова Саломат Азимовна** — Қоракўл туманидаги «Дўрман» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Қуватова Саломат** — Арнасой туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маллаева Минурахон Араббоевна** — Олтинкўл туманидаги «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Маматкаримова Мавлюда Хакимовна** — Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини масъул котиби, Сирдарё вилояти

**Мансуров Собит Мамаджанович** — Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Мейлиева Раъно Абдурасуловна** — Ангор туманидаги «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Олимова Азиза Соатовна** — Поп туманидаги «Марғизор-2» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Оппоқова Муқаддам Эшондедаевна** — Чортоқ туманидаги «Хазратишоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Рахимов Одилжон** — Пахтаобод туманидаги «Терактаги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Рахимова Мухаббат Ермонкуловна** — Данғара туманидаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Фарғона вилояти

**Суванова Саида Тўллабековна** — Бекобод туманидаги «Зафар» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Тиллабоева Карима Ахмедовна** — Қўшкўпир туманидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Хоразм вилояти

**Улугова Мукарамхон Кудратовна** — Қибрай туманидаги «Тараққий» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Умарова Чучук Саидовна** — Китоб туманидаги «Севаз» қишлоқ фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Қашқадарё вилояти

**Усарова Шаходат Кимсановна** — Тошлоқ туманидаги «Қумқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Усмонова Этиборхон Ахмаджоновна** — Фарғона туманидаги «Дамкўл» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Фарғона вилояти

**Хаиткулова Рано Абдулқосимовна** — Ангрен шаҳридаги «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Ҳамроева Саломат Бомуродовна** — Бухоро туманидаги «Ойбек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Шодиева Ноботой** — Қўшработ туманидаги «Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Якубова Ойкарам Тажимуратовна** — Шовот туманидаги «Арбоблар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 24 июль

---

## Сарҳисоб ва режалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, қурилишда 9,8, транспорт ва алоқа тизимида 20 фоиз ўсиш таъминланди.

Ҳисобот даврида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилгани натижасида унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,3 фоизга етди. Шунингдек, мазкур субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан 166,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Аҳолининг турмуш даражасини, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 35 минг 165 та иш ўрни яратилди.

Йиғилишда “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг вилоятдаги ижросига атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишининг аҳволи, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Нормурод ТЕМИРОВ.**

### ХОРАЗМ

Вилоят ҳокими П. Бобожонов бошқарган йиғилишда вилоятда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот 9,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари ҳажми 13,1 фоизга ўсгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган 2013 — 2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастурига асосан, жорий йилнинг ярмида 776 лойиҳа амалга оширилиб, 76,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди ва 4 минг 354 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳисобот даврида “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 271,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани эътироф этилди. Шу билан бирга, 2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида саноат, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам чуқур таҳлил этилди.

Йиғилишда бу борада Янгиариқ, Хива, Гурлан, Қўшкўпир, Шовот туманлари ва Урганч шаҳрида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгиланди.

**Ойбек РАҲИМОВ.**

---

## Модернизация: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда юқори унумли “Hitachi” экскаваторлари, 45 тонна юкни кўтарувчи “БелАЗ” самосваллари, умуман, тоғкон ишларида асқотувчи 30 га яқин янги техникалар хом ашё қазиш ва ташиш ишларини жадал олиб боришда қўл келаётир. Улар ёрдамида конлардан кунига 5-6 минг тонна, йилига 1 миллион 800 минг тонна хом ашё қазилиб ташилаётгани бунинг тасдиғидир.

Корхона мутахассисларининг қайд этишича, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларнинг татбиқ қилиниши харажатларни бир неча баробарга қисқартирмоқда. Чунончи, “Hitachi–1200” русумли экскаватор сотиб олингач, электр энергияси сарфи кескин камайди. Негаки, эски техникалар юқори кучланишли электр энергияси ёрдамида ишлар, шу боис уларни карьерга олиб чиқишдан олдин симёғоч ўрнатилиб, кабель тортиш билан бирга, махсус жой ҳозирланар эди. Табиийки, бу юмушларни бажариш маълум вақт ва ортиқча маблағни талаб қиларди. Янги техника эса ёнилғи билан ҳаракатланмайдими, уни ҳар қандай шароитда ҳам ишлатиш мумкин.

— Цементнинг асосий хом ашёси, бу — оҳактош, — дейди жамиятнинг техник директори Ботир Хожабеков. — У икки босқичли майдаланиш жараёнидан ўтгандан сўнг 7 километрдан зиёд узунликдаги махсус лентали транспортер орқали корхонага олиб келинади-да, соф тупроқ билан бирга тегирмонларда яна майдаланиб, шлам олинади ва насослар ёрдамида вертикаль бассейнга юборилади. Сиқилган ҳаво ёрдамида аралаштирилгач, яримтайёр маҳсулот горизонтал бассейнларга қуйилади. Сўнг узунлиги 170 метр бўлган айланма печларда 1450 даража ҳароратда куйдирилиб, ундан клинкер олинади. Клинкерга эса гипс, глиеж, электротермофосфорли шлак қўшилиб, тегирмонда янчилади. Олинган тайёр маҳсулот 7 минг тонна сиғимли 10 та цемент омборида сақланади. Пировардида уч қаватли қоғоз қопларга ёки вагонларга юкланиб, харидорларга жўнатилади. Юклаш жараёнининг марказлаштирилган компьютерлар ёрдамида назорат қилиб борилиши, ўз навбатида, мижозларга қулайлик яратиб, иш унумдорлигини оширмоқда.

Эътиборли жиҳати, “Оҳангаронцемент” жамоаси томонидан жорий йилнинг олти ойида 739,5 минг тонна цемент истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулотларнинг маълум қисми экспорт қилинаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Шу билан бирга, жамиятда темир-бетон ва бошқа қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш эътиборда. Хусусан, шу кунгача жамият таркибидаги Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида 20066 куб метр бетон ва темир-бетон тайёрлашга эришилган бўлса, бош муҳандис Мурод Юлдошевнинг айтишича, томёпқич ва таянч плиталари, йўл тўсиқлари сингари бетон маҳсулотлари ҳам “Кафолат”, “Миназия”, “Бунёд” сингари 15 га яқин ҳамкор ташкилотларга пешма-пеш жўнатилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда “Оҳангаронцемент” очиқ акциядорлик жамиятидаги бундай янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида қўлга киритилаётган салмоқли ютуқлар республикамизда бунёдкорлик ишларининг жадаллашиши, жойларда кўплаб ижтимоий объектлар барпо этилишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

## Ёш тадбиркорлар учун машғулотлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Форумнинг вилоят ҳудудий ахборот маркази мутахассислари озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш бўйича менга атрофлича таклиф ва тавсиялар беришди, — дейди Қарши шаҳридаги “Ўғилой универсал савдо” МЧЖ раҳбари Моҳира Номозова. — Пировардида ўз фаолиятимни тўғри ташкил этиб, қўшимча иш ўринлари яратишга эришдим.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми”нинг “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Ўзбекистон ипаги” уюшмаси ҳамкорлигида июнь ойидан бошлаб ўтказаётган “Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови” лойиҳасида олти юздан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Форумнинг яна бир хайрли лойиҳаси — “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ўтказилган “Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада” акцияси доирасида Қарши шаҳридаги Мустақиллик, Мағзон ва Темирйўлчилар маҳаллаларида ҳашар йўли билан қайта таъмирланган спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Фаолият таҳлилига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим-тарбия муассасалари, маҳаллалар, вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, бу борада айрим камчиликлар учраётганига ҳам эътибор қаратилди. Мавжуд муаммолар хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари, педагоглар, ота-оналар, психологлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамкорлигида ҳал этилмоқда.

Йиғилишда хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тадбиркор хотин-қизларга 322,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, “Микрокредитбанк” томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 27,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 12 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ҳозир тегишли молия-банк тузилмалари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг иқтисодий билимини ошириш, тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан бир қатор лойиҳалар якунига етказилмоқда.

Ҳисобот даврида яна бир муҳим масала, хусусан, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар соғлиғини асраш, уларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, қисқача айтганда, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижроси муҳокама этилди. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар сони, гўдакларнинг турли нуқсонлар билан туғилишининг камайишида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, йиғилишда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасидаги ишларни янада ишчан ва қамровли ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш Тендер комиссияси томонидан 2013 йилда умумтаълим мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа чолғу асбоблари, мебель ва техник инвентарлар харид қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилмоқда.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, умумтаълим мактаблари учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа чолғу асбоблари, ускуналари ва инвентарларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

Агар тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан бир қаторда, хорижий етказиб берувчилар қатнашса, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун, қонун ҳужжатларига мувофиқ, 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Бунда кичик бизнес субъектларига тендер савдоларида иштирок этишда имтиёзлар татбиқ этилади.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

***Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:***

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
— малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
— Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
— буюртмачи — Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиганлар;
— бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида, 2013 йил 1 июнь ҳолатига кўра, муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган ташкилотлар ва фирмалар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин, тендер комиссияси томонидан ўтказиладиган малакали танлов (квалификационный отбор)дан ўтадилар. Бунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида муҳрланган жилд (папка)да қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— 2012 йил учун молиявий ҳисоботларнинг (бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи) жойлардаги давлат солиқ органлари томонидан ўрнатилган тартибда (асл муҳри билан) тасдиқланган ёки рўйхатга олинган нусхаси;
— ишлаб чиқариш, сақлаш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси, дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— талабгорнинг юридик шахс, кичик бизнесга тааллуқли эканлиги тўғрисида давлат статистика органлари томонидан берилган маълумотнома;
— талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини ёки қайта рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
— давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг, 2013 йил 1 июнь ҳолатига кўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан муддати ўтган қарздорлиги йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома (солиштирма далолатнома билан бирга);
— талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг, 2013 йил 1 июнь ҳолатига кўра, асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
— талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуна ва каталог (тегишли лотлар бўйича)ларини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб, 20 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, ишчи орган ёки ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини (ижара шартномаси, ижара биноси, мебель, жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари, дастгоҳлари мавжудлигини) ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кунда етказиб беришлари шарт.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.**
**Факс: (8-371) 239-89-58.**

### Харид қилинадиган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) нархлари:

| Т/р | Номи | Ўл.бир. | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **1-4 синф хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №3 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 172 000 |
| 2. | Ўқувчи столи №4 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 176 100 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| 5. | Кийим жавони (ўғил ва қиз болалар учун) | дона | 212 000 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун ускуналар** | | |
| 1. | Компьютер техникаси (ноутбук) | дона | 2 100 000 |
| 2. | Колонка | дона | 39 900 |
| 3. | Симсиз сичқонча | дона | 80 800 |
| 4. | Проектор | дона | 1 954 500 |
| 5. | Маркерли доска | дона | 191 000 |
| 6. | ТВ-тюнер | дона | 86 300 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун электрон доска мосламаси** | | |
| 1. | Электрон доска мосламаси | тўплам | 3 800 000 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун қўшимча ускуналар** | | |
| 1. | Магнитола DVD плеерли | дона | 250 000 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун расмлар тўплами** | | |
| 1. | А4 форматдаги расмлар тўплами | дона | 20 200 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун муляжлар тўплами** | | |
| 1. | Муляжлар (мева ва сабзавотлар) | дона | 13 100 |
| | **1—4-синф «Чет тиллари» хонаси учун луғатлар ва адабиётлар** | | |
| 1. | Ўзбекча-инглизча (болалар учун) | дона | 5 800 |
| 2. | Инглизча-ўзбекча (болалар учун) | дона | 5 800 |
| 3. | Ўзбек халқ эртаклари (инглиз тилида) | дона | 12 100 |
| | **5—9-синф хоналари учун мебеллар**<br>**Она тили ва адабиёт хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| | **Математика хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| 5. | Транспортир | дона | 8 450 |
| 6. | Тўғри бурчакли учбурчак | дона | 8 450 |
| 7. | Синф циркуллари | дона | 8 450 |
| 8. | Шарнирли моделлар тўплами | тўплам | 8 450 |
| | **География хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| | **Ижтимоий билимлар (тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари) хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| | **«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» хонаси учун мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| 5. | Компьютер учун ўқувчи столи (стол — 1, стул — 1) | тўплам | 162 200 |
| 6. | Телевизор учун стол (подставка) | дона | 90 000 |
| | **Рус тили ва адабиёти хонаси (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун) мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 4. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| | **Ўқув компьютер синф хонаси учун махсус мебеллар** | | |
| 1. | Ўқувчи столи №5 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 180 100 |
| 2. | Ўқувчи столи №6 (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 184 400 |
| 3. | Ўқитувчи компьютер столи | дона | 165 300 |
| 4. | Ўқувчи столи компьютер учун (стол — 1, стул — 1) | тўплам | 162 200 |
| 5. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| | **Чизмачилик хонаси учун махсус мебеллар** | | |
| 1. | Чизмачилик ўқувчи столи (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 178 500 |
| 2. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 3. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| 4. | Ўқитувчи учун кульман | дона | 451 092 |
| 5. | Чизмачилик хонаси учун асбоб-ускуналар | тўплам | 39 300 |
| | **Тасвирий санъат ва рассомчилик хонаси учун махсус мебеллар** | | |
| 1. | Рассомчилик ўқувчи столи (тасвирий санъат) (стол — 1, стул — 1) | тўплам | 157 500 |
| 2. | Икки тумбали стол (ўқитувчи учун) | дона | 217 700 |
| 3. | Китоб жавони | дона | 197 000 |
| 4. | Ўқитувчи учун мольберт | дона | 93 600 |
| 5. | Тасвирий санъат ва рассомчилик хонаси учун ёғочли геометрик шакллар | тўплам | 47 250 |
| | **Физика лаборатория хонаси учун махсус мебеллар** | | |
| 1. | Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган тажриба (демонстрация) столи | тўплам | 410 300 |
| 2. | Ўқитувчи столи (приставка) | дона | 56 100 |
| 3. | Ўқувчилар учун пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам стол (стол — 1, стул — 2) | тўплам | 219 000 |
| 4. | Кўргазмали қуроллар учун жавон | дона | 249 900 |
| 5. | Физика лаборатория столи | дона | 141 100 |
| | **Физика лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (72 номда)** | | |
| 1. | Физика кабинети учун электр жиҳозлари комплекти (КЭФ) | дона | 844 522 |
| | Лаборатория электр манбаи | дона | 192 358 |
| 2. | Архимед челаги | дона | 101 317 |
| 3. | Лаборатория электрон тарозиси | дона | 65 413 |
| 4. | Калориметр жисмлар тўплами билан | дона | 35 438 |
| 5. | Лаборатория индуктивлик ғалтаги | дона | 59 858 |
| 6. | Демонстрацион Томсон ғалтаги | дона | 55 455 |
| 7. | Бир қутбли ва икки қутбли переключателлар тўплами | дона | 29 826 |
| 8. | Улаш симлари тўплами: 50 см. — 2 дона, 30 см. — 5 дона, 15 см. — 3 дона | тўплам | 57 790 |
| 9. | Ўзгарувчан сиғимли конденсатор | дона | 62 377 |
| 10. | Турли қувватли чўғланма лампалар | тўплам | 13 956 |
| 11. | Тажриба (демонстрацион) масштаб чизиғи | дона | 15 502 |
| 12. | Тагликка ўрнатилган магнит стрелка | дона | 18 061 |
| 13. | Тўғри магнитлар (бир жуфт) | тўплам | 19 312 |
| 14. | Тақасимон магнитлар (бир жуфт) | тўплам | 15 393 |
| 15. | Электростатик маятник (2 дона) | тўплам | 8 959 |
| 16. | Лаборатория микроскопи | дона | 111 238 |
| 17. | Механика бўйича «Механика-1» тезкор лаборатория тўплами | тўплам | 165 839 |
| 18. | Электр ва магнит майдони спектрини намойиш қилиш учун модель | дона | 117 778 |
| 19. | Электродинамика бўйича мобиль лаборатория тўплами «Электр-1» | тўплам | 269 223 |
| 20. | Мультиметр | дона | 20 000 |
| 21. | Тенг массали ва тенг ҳажмли брусоклар тўплами | тўплам | 35 528 |
| 22. | Капилляр найчаларнинг лаборатория тўплами | тўплам | 9 491 |
| 23. | Пропилендан қилинган ўлчов идишлари тўплами | тўплам | 23 374 |
| 24. | Кристалл панжаралар моделлари тўплами | тўплам | 47 778 |
| 25. | Тажрибалар кўрсатиш учун турли қаршиликдаги симлар тўплами | дона | 114 825 |
| 26. | Лаборатория резисторлари тўплами: 2 Ом — 2 дона, 4 Ом — 1 дона, 51 кОм — 1 дона | тўплам | 29 509 |
| 27. | Шиша таёқча | дона | 4 443 |
| 28. | Эбонит таёқча | дона | 7 037 |
| 29. | Иссиқликдан изоляцияланган керамик плита | дона | 4 462 |
| 30. | Юлдузли осмоннинг сурилма харитаси (проекцион) | дона | 14 080 |
| 31. | Магнит майдонида рамканинг айланишини намойиш қилувчи асбоб | дона | 67 761 |
| 32. | Ўтказгич қаршилигининг температурага боғлиқлигини намойиш қилиш учун асбоб | дона | 46 423 |
| 33. | Ленц қоидасини намойиш қилиш учун асбоб | дона | 41 744 |
| 34. | Суюқликнинг конвекциясини ўрганиш учун асбоб | дона | 25 750 |
| 35. | Ҳар хил қаттиқликдаги пружиналар тўплами | тўплам | 35 003 |
| 36. | Сурилма лаборатория реостати (6 Ом) | дона | 56 620 |
| 37. | Рақамли лаборатория секундомери | дона | 98 142 |
| 38. | Металл тўр (Кольбе) | дона | 32 033 |
| 39. | Туташ идишлар | дона | 13 176 |
| 40. | Лаборатория спектроскопи | дона | 132 142 |
| 41. | Электр султон (2 дона) | тўплам | 37 344 |
| 42. | Қуруқ ёнилғи (қуруқ спирт) ўрамида, 100г | ўр. | 5 391 |
| 43. | Осон ҳаракатланувчи аравача (бир жуфт) | тўплам | 100 983 |
| 44. | Рандали қўрғошин цилиндрлар | тўплам | 77 489 |
| 45. | Ҳалқали шар | тўплам | 24 674 |
| 46. | Изоляцияловчи штативлар (бир жуфт) | тўплам | 52 324 |
| 47. | Ажратувчи лаборатория электромагнити, деталлари билан | дона | 38 462 |
| 48. | Электрофор машина | дона | 48 409 |
| 49. | Вакуумли насос | дона | 12 638 |
| 50. | Универсал штатив | дона | 133 970 |
| 51. | Трансформатор | дона | 198 451 |
| 52. | Психрометр | дона | 10 913 |
| 53. | Камертон (резина болғачаси билан) | дона | 60 288 |
| 54. | Гидравлик пресс (модель) | дона | 176 899 |
| 55. | Паскаль шари | дона | 34 086 |
| 56. | Ньютон трубкаси | дона | 18 802 |
| 57. | Электрометр, ускуналари билан | дона | 97 565 |
| 58. | Рақамли лаборатория ўқув термометри | дона | 81 465 |
| 59. | Ички ёнув двигателининг проекцион модели | дона | 52 078 |
| 60. | «Оптика» тезкор лаборатория комплекти | тўплам | 452 726 |
| 61. | Телескоп | дона | 99 803 |
| 62. | Геометрик оптикага оид магнит тутқичли кўргазмалар тўплами | тўплам | 517 705 |
| 63. | Кўргазмали блоклар тўплами | тўплам | 102 450 |
| 64. | Биметалл пластина | дона | 21 592 |
| 65. | Лаборатория, иссиқлик қабул қилувчи манометри билан | дона | 32 182 |
| 66. | Иссиқлик ўтказувчанлик тажрибаларини ўтказиш жиҳози | дона | 17 012 |
| 67. | Анероидли барометр | дона | 61 995 |
| 68. | Инерция тажрибалари учун ускуна | дона | 15 292 |
| 69. | Газлар қонунини ўрганувчи ускуна | дона | 10 853 |
| 70. | Вакуум тарелкаси, қўнғироқли | дона | 79 837 |
| 71. | Кимёвий реактивлар | тўплам | 21 778 |
| 72. | Рус ва ўзбек тилида методик қўлланма | тўплам | 104 203 |
| | **Кимё лаборатория хонаси учун махсус мебеллар** | | |
| 1. | Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган, электрга ва тоза сув ҳамда канализация тармоғига уланган тажриба (демонстрация) столи | тўплам | 433 900 |
| 2. | Ўқувчилар учун пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган, электрга ва тоза сув ҳамда канализация тармоғига уланган кимё столи (стол—1, стул—2) | тўплам | 312 100 |
| 3. | Ичидаги ҳаво сўриб олинадиган жавон | дона | 495 200 |
| 4. | Кўргазмали қуроллар учун жавон | дона | 249 900 |
| 5. | Ўқитувчи ва лаборант учун иш столи | дона | 145 100 |
| | **Кимё лабораторияси учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари (42 номда)** | | |
| 1. | Кимё кабинети учун электр жиҳозлари комплекти (КЭХ) | дона | 844 521 |
| | Пробирка қиздирувчи | дона | 34 452 |
| 2. | Автомат микропипетка | дона | 46 366 |
| 3. | Цилиндр ареометрлари | тўплам | 24 348 |
| 4. | Электрон лаборатория тарозиси | дона | 65 413 |
| 5. | Дистиллятор | дона | 46 161 |
